



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
кељааги
буюк
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 29 сентябрь, № 212 (8274)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТРАНСПОРТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев
28 сентябрь куни транспорт
соҳасида ислохотларни
жадаллаштириш масаласи
юзасидан йигилиш ўтказди.**

Транспорт қулайлик-лари мамлакат ривожини кўрсатувчи ва бунга таъминловчи омиллардан бири. Ўртимизда соҳа инфратузилмаси янгиланиб, шароитлар кенгайтирилаётгани ўз натижаларини бермоқда.

Жумладан, авиация бозори эркинлашгани ҳисобига охириги уч йилда Ўзбекистонга парвозлари амалга ошираётган авиакомпаниялар сони 2 бараварга ўсган. Автомобилда халқаро юк ташишда маҳаллий корхоналарнинг улуши 62 фоизга етган. 300 километр темир йўл электрлаштирилган, 1 минг 500 километр автомобиль йўли қурилган.

Лекин ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар, қилинадиган ишлар жуда кўп. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра, Стратегик ислохотлар агентлиги томонидан соҳадаги ишлар натижадорлиги таҳлил қилинганида, бир қатор муаммолар аниқланган.

Масалан, охириги уч йилда мамлакатимиз иқтисодиёти 16 фоиз ўсгани ҳолда, темир йўлда юк айланмаси атиги 7 фоиз ошган. Авиацияда рақобат муҳити тўла шаклланмаган, 10 та аэропортнинг самарадорлиги паст даражада. Оқибатда рақобатдош нархларда етказиб бериш қулайлиги бўйича Халқаро логистика самарадорлиги индексида мамлакатимиз 160 та давлат ичида 120-ўринни эгаллаган.

Тадбиркорлар билан очик мулоқотда ҳам мазкур соҳа бўйича кўплаб муурожаатлар бўлган.

Йигилишда транспорт тизимидаги муаммоларни ҳал этиш ва аниқ натижаларга эришиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

— Бу соҳа — иқтисодиётнинг қон томири. Транспорт ва логистикани янги босқичга олиб чиқмасак, иқтисодиётнинг барқарор ривожини таъминлай олмай-

миз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йигилишда учта йўналиш — темир йўл транзити имкониятини кескин ошириш, авиацияни қулай, тез ва сифатли хизмат кўрсатадиган соҳага айлантириш, халқаро транзит юклари учун замонавий автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш бўйича чоралар белгиланди.

Стратегик ислохотлар агентлиги таркибига транспорт соҳаси бўйича алоҳида гуруҳ тузиб, асосланган таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Давлатимиз раҳбари энг асосийси халққа енгилликлар яратиш эканини алоҳида таъкидлади.

Темир йўл саноат ва тадбиркорликни ривожлантиришда катта ўрин тутиши қайд этилиб, бу тизимнинг қувватини ошириш борасида кўрсатмалар берилди. Хусусан, замонавий электр поездлар олиб келиш, вагонларни таъмирлаш, носоҳавий активларни чиқариш орқали тизимни молиявий соғломлаштириш зарур.

Авиация соҳасида ҳам қулайликларни кўпайтириш, Бухоро, Хоразм ва водий вилоятлари аэропортларини ривожлантириш, кадрлар ма-лакасини ошириб, хизматлар сифатини яхшилаш керак.

Президентимиз автомобиль йўлларининг сифати ва салоҳиятига алоҳида тўхталди. Маълумки, бу соҳада лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда назорат функциялари битта ташкилотда жамланган. Бунинг оқибатида кўп йўлларда сифат йўқ. Шу боис йўл қурилишда илгор стандартларни жорий этиш, лаборатор ишларни кучайтириш, пудратчилар масъулиятини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Транспорт инфратузилмасини кенгайтириш ва соҳани рақамлаштиришга қаратилган кўплаб вазифалар белгиланди.

Ў.А.

ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИККА АЙЛАНГАН НУФУЗЛИ АНЖУМАН

Бугунги кунда дунёдаги нуфузли халқаро тузилмага айланган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига асос солган давлатлардан бири сифатида Ўзбекистон унинг фаолиятида муҳим ўрин тутди. Мамлакатимиз ташаббуслари ШХТнинг халқаро нуфузини ва салоҳиятини юксалтиришга, кўп томонлама шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келаётир.

Акс садо

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити 15-16 сентябрь кунлари Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди. Ташкилотга аъзо давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида тараққиёт учун муҳим йўналишларни белгилаб олишга йўл очган бу анжуманда қабул қилинган қарорларнинг асосий ташаббускори давлатимиз раҳбари бўлди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда аъзо давлатлар

ўртасида иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича кўплаб ютуқларга эришилди. Марказий Осиё давлатларида ўзаро ришталар, бордингелди тубдан яхшиллангани ва бу жараёнда Президентимиз юритаётган очик прагматик сиёсат муҳим таянч бўлаётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Президентимиз ўз нутқида Ўзбекистоннинг 2021-2022 йилларда ШХТга раислиги натижалари юзасидан тўхталиб, бу даврда

80 дан ортик йирик тадбирлар ўтказилгани, пандемиянинг мураккаб оқибатлари ва янги хавф-хатарларга қарамай, раислик режаси тўлиқ бажарилганини билдирди. Давлатимиз раҳбари ШХТнинг блокларга қўшилмаслик мақомили, очиклик ва кенг ҳамкорликка қаратилган руҳини сақлаш, муроса, тенг ҳуқуқчилик ва ўзаро ҳурмат принцип-ларига амал қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Шуларни ҳисобга олиб ҳамда ШХТ доирасидаги кўп қиррали шерикликнинг самарали тажрибасига таяниб, давлатимиз раҳбари яқин йилларда ҳамкорликнинг асосий йўналишларидаги устувор ва-зифаларни ҳал этишга доир аниқ таклиф ва амалий та-шаббусларни илгари сурди.

➡ 4

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

КАСБЛАР ИЧРА ЭНГ УЛУҒИ

Мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч, бу илм-фан, таълим ва тарбиядир. Ўртимизнинг ёруғ истиқболи таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис кейинги йилларда ўртимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида таълим тизимида ҳам кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда.



➡ 4

Депутатлар — ҳудудларда

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ МУАММОЛАРНИ ОЙДИНЛАШТИРАДИ

Халқ билан очик мулоқот қилиш, фуқаролар турмуш шароитларини ўрганиш, жойлардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларга ижобий ечим топиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда бўлиб, аҳоли билан юзма-юз учрашувлар ўтказмоқда.

Ишл, хунарли киши катта мақсадлар билан яшайди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Ақтам Ҳайтовнинг қашқадарёлик сайловчилар билан учрашувлари ҳам қизгин мулоқотлар руҳида самарали кечмоқда. Уларда фуқаролар билдирган фикр ва таклифлар, мавжуд муаммолар

атрофида ўрганилиб, уларни ҳал этиш чоралари қўрилмоқда. А. Ҳайтов дастлаб Косон туманидаги "Бунёдкор" пахта-тўқимачилик кластерига қарашли тикувчилик цехида бўлиб, ишчи-ҳодимлар билан суҳбатлашди.

Ушбу кластер 2018 йил февралда ишга туширилган бўлиб, тасарруфиди 7 минг гектар ер бор. Бу ерда йилга 20 минг 500 тонна сифатли пахта ҳосили етиштирилади. Тайёрланган пахтани қайта

ишлашга асосий эътибор қаратилгани боис ойига 360 — 400 тонна калава ип ишлаб чиқарилмоқда.

Янги объект ишга тушган, қўшимча яна 400 тонна пахта ҳолашеси тайёрлаш имкони яратилди. Тўкув, ип йигирув ва трикотаж бўлимлари мавжуд. Эътиборлиси, бу ерда Косон туманида яшовчи бир ярим минг нафар ёш меҳнат қилмоқда. Тикув цехида 300 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган бўлиб, ҳар йили 100 хил турдаги ўн миллион дона эркаклар, аёллар кўйлаклари ва болалар кийимлари тайёрланади.

➡ 3

Сенат Кенгашида



ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИ ҚАЙ ҲОЛАТДА?

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда репродуктив саломатлиқни сақлаш ҳамда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати кенг муҳокама қилинди.

Сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашган мажлисни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисда оналик ва болалик муҳофазаси, репродуктив ёшдаги аёллар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳолати, соҳадаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш борасидаги таклифлар кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, аёллар ва болаларга малакали, ихтисослаштирилган юқори

технологик тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича республиканинг барча ҳудудда туғиш ёшидаги 9,1 миллион нафар аёлга 227 та туғруқ муассасаси, 11,3 миллион нафардан зиёд 18 ёшгача бўлганларга 238 та болалар даволаш-профилактика муассасаси хизмат кўрсатмоқда.

➡ 3

ЮКСАК ҒАЛАБАЛАРНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда бошқа спорт турлари каторида велоспорт ривожига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Натижада ушбу спорт тури бўйича эришаватган ютуқларимиз тобора салмоқли бўлиб бораётир. Бунда Ольга Забелинскаянинг алоҳида ўрни бор.

Рағбат

Табиийки, унинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан эътироф этилиб, муносиб рағбатлантириб келиняпти. Ёдингизда бўлса, Президентимизнинг 30 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз бир йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғри-

сида"ги Фармонига мувофиқ, велоспорт бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Ольга Забелинская "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони билан тақдирланган эди. Аммо спортчи узок вақт давомидида чет элда машғуллотлар ўтказиб, қатор халқаро мусобақаларда иштирок этганлиги боис мукофотни олишга улгурмаганди.

➡ 3

